

FINANCIAL STATEMENTS AND IMPORTANT ASPECTS OF THEIR CONTENT: NATIONAL AND INTERNATIONAL EXPERIENCE

In this article has been reviewed, the structure and purpose of the financial statements, their classification, national and international experience in the preparation and submission of financial statements, and comparative analysis.

Key words: financial statements, balance sheet, financial reporting, assets, capital, liabilities, income, expense, profit, loss, international financial reporting standards, national accounting standards.

At present, the economy of the Republic of Uzbekistan is an integral part of the global economy. In this regard, harmonization of accounting information at the level of international standards is required. Practice shows that in all countries there are differences in the preparation and presentation of financial statements. The approximation of financial reporting to the international standard will allow the investor to analyze the reporting indicators and make decisions for starting investment activities in the invested countries.

According to the Committee of Statistics of the Republic of Uzbekistan, the number of business entities requiring the transfer of financial statements to the international standard is more than 1000 units on October 1, 2019. This amount, according to the forecast for 2020-2030, is about 4000 units. All this allows us to conclude that in the near future the indicated part of business entities will give the economy of the republic an increase in the share of GDP, the possibility of tax revenues to the budget, create new jobs, increase the absolute size of assets, etc.

Accounting is an infinite process such as politics, ideology, and its main purpose is to gather information. Its important difference is the presence of various forms of management. Economic, political, social, and geographical factors also influence the shape and content of the existing system. For example, in the United States, when investors and creditors are taken as main users of financial reporting, their focus is on providing priority information to government agencies and prioritizing their interests in other states, South America, and the former Soviet Union. In many countries, the accounting system is organized according to the macroeconomic objectives.

Generally speaking, the structure and content of financial statements are the main information users, investors, creditors, their reputations, the composition of the legal entities involved in the investment process, the level of investor participation, the financial market and securities market development, international business participation. affects the levels of growth.

In international practice, the determination of profits does not affect the recognition of revenue by shipments of goods, sales of goods, or provision of services. That is, in the current procedure of recognition of income and expenses the principle of "accounting" is applied. This means the payment of unsecured income taxes and dividends.

Profits accrued during the reporting period are recorded as retained earnings in the balance sheet.

Accounting is an infinite process such as politics, ideology, and its main purpose is to gather information. It's important difference is the presence of various forms of management. Economic, political, social, and geographical factors also influence the shape and content of the existing system. For example, in the United States, when investors and creditors are taken as main users of financial reporting, their focus is on providing priority information to government agencies and prioritizing their interests in other states, South America, and the former Soviet Union. In many countries, the accounting system is organized according to the macroeconomic objectives.

Generally speaking, the structure and content of financial statements are the main information users, investors, creditors, their reputations, the composition of the legal entities involved in the investment process, the level of investor participation, the financial market and securities market development, international business participation. affects the levels of growth.

In international practice, in the preparation of financial statements there is a single approach. For example, in the USA, in addition to the statement of financial performance, a statement of accumulated profit is also compiled. This allows us to disclose individual summary indicators in our example on their components i.e. for individual articles of the report on financial results, which increases the usefulness of indicators. From the point of view of reading financial reporting indicators, three types of views can be distinguished in the economic literature:

- increase in net asset value;
- deviation of the size of income from expenses;
- change in equity in the current period.

An increase in net worth of assets is seen as exceeding the amount of assets versus liability.

The second view should be understood as the result of financial activity by the main type (profit or loss). The following view should be understood as a consequence of what factors this change (growth or ripe) of the total equity in the reporting period occurred.

Thus, the balance sheet, the report on the final financial result in form and content give information about the business and therefore, when analyzing their indicators, you should especially pay attention to the following points:

- when translating reporting forms to international standards, it is necessary to maintain the necessary indicators;
- security transparency and accessibility of articles reporting;
- In the comments to the reports, give detailed indicators for potential investors, having expanded horizontal and vertical indicators;
- for a circle of specific business entities interested in reporting data, in our opinion, create an electronic database and publish them or create a website.

Қувватов Ғ.Б. – ТДИУ таянч докторанти

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИДАГИ МУҲИМ ЖИҲАТЛАР: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Мақолада молиявий ҳисоботнинг таркиби ва уларни тайёрлаш мақсадлари, таснифий жиҳатлари, миллий ва халқаро тажрибалари, қиёсий таҳлили кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: молиявий ҳисобот, бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, активлар, капитал, мажбуриятлар, даромад, харажат, фойда, зарар, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари.

ФИНАНСОВЫЕ ОТЧЕТЫ И ВАЖНЫЕ СТОРОНЫ ИХ СОДЕРЖАНИЯ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И МЕЖДУНАРОЖНЫЙ ОПЫТ

В статье рассмотрены состав финансовой отчетности и цели их составления, особенности классификации, национальный и международный опыт составления и предоставления их, сопоставимый анализ отчетности.

Ключевые слова: финансовая отчетность, бухгалтерский баланс, отчет о финансовых результатов, активы, капитал, обязательства, доход, расход, прибыль, убыток, международные стандарты финансовой отчетности, национальные стандарты бухгалтерского учета.

Кириш

Республикамиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг ажралмас бир бўғини сифатида ривожланиши миллий бухгалтерия ҳисобини ҳам халқаро бухгалтерияга гормонизациясини талаб этмоқда. Бу борада энг муҳим жиҳат албатта бухгалтерия ҳисобининг ахборот тўплаш мақсадининг амалий ифодаси бўлган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаштириш ҳисобланади. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишдаги фарқли жиҳатларни барча мамалакатлар бухгалтерия ҳисобида кузатиш мумкин. Бироқ, иқтисодий қамровнинг кенгайиши, ташқи бозорларга чиқиш, халқаро савдони йўлга қўйиш, жаҳон фонд бозорида иштирок этиш ва бошқа жиҳатлар молиявий ҳисоботларни ҳам барча учун бир хил шаклда ва мазмунда тайёрлашни ва тақдим этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро манфаатли, фойдали ахборотлар маконини шакллантиришга ва уларни барча учун мақбуллаштиришнинг ягона тизими бўлган бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида тайёрлаш ва тақдим этишга муҳим аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида ҳисоб тизимини бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига трансформация қилиш, аудитнинг халқаро стандартларини амалда қўллаш, миллий ҳисоблар тизими,

халқаро нормаларга амал этиш юзасидан муҳим чора-тадбирлар режаси тузиб чиқилмоқда ва босқичма – босқич муҳим кадамлар қўйилмоқда.

Жумладан, бугунги кунда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузилиши талаб қилинадиган корхона ва ташкилотлар сони 1000 дан ортиқни (акциядорлик жамиятлари, холдинг ва компаниялар) ташкил этган ҳолда, яқин муддатда уларнинг сони янада ортиши (дунё фонд бозорига чиқиш, активлар, тушумлар хажми, ишловчилар сони баробарида, шунингдек ички қизиқишлар ва зарурият туфайли прогноз қилинмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Молиявий ҳисоботлар ва уларнинг тузилишидаги муҳим жиҳатлар юзасидан Ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар, амалиётчилар томонидан жуда кўп илмий изланишлар олиб борилган. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Халқаро стандартларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича Г.И. Алексеева [5]; кичик ва ўрта бизнес субъектларида халқаро стандартларни қўллаш юзасидан А.А.Валинурова, А.А. Гусева [6]; М.В.Вахорина [7-8]; глобал иқтисодиётда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича, корпоратив ҳисоботлар юзасидан М.А.Вахрушина [9-10]; интеграллашган ҳисоботлар ва халқаро стандартлар концептуал асослари ва тузилиши юзасидан В.Г.Гетьман [11-13]; молиявий ҳисобот ахборотларининг ишончлиги ва ошкор этилиши юзасидан С.Н.Карельская, Е.И.Зуга [14-15]; молиявий ҳисоботларнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш муаммолари юзасидан В.С.Плотников, О.В.Плотникова [16]; молиявий ҳисоботларни трансформациялаш масалалари юзасидан Т.А.Соколова, О.С.Бородин [17]лар томонидан чуқур тадқиқ этилган.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш, молиявий таҳлил этишнинг назарий ва методологик масалалари билан хорижлик олимлардан Д.Блисс, А.Винакор, А.Уолл, Э.Альтман, У.Бивер, Д.Фостерларни илмий изланишларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим [18].

Республикамиз олимларидан С.Н.Тошназаров, Д.М.Маткаримов молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини амалиётда қўллаш масалалари билан кенг доирада изланишлар олиб боришган[4-19].

Бироқ уларда миллий ҳисобчилик тизимидаги жиҳатларни халқаро стандартларга ўтказишнинг кўпроқ назарий, концептуал асосларига аҳамият қаратилган ҳолда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузишнинг тўлиқ методологик жиҳатлари очиб берилмаган. Яъни умумий ва назарий жиҳатлари, молиявий ҳисоботларнинг қисман қиёсий таҳлили, очиб беришларнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ҳисобот ва уларни тузиш ва тақдим этишнинг амалдаги тартибларида ахборот фойдаланувчиларнинг кенг таркиби келтирилади (ҳақиқий ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, маҳсулот етказиб берувчилар,

харидорлар, ходимлар, шунингдек ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқалар).

Молиявий ҳисоботлар аввало, мулк ва капитал эгалари, инвесторлар, кредиторлар, менежерлар, ахборот фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун тузилиши, шу билан биргаликда, корхонанининг репутациясини реклама қилиш мақсадида тайёрланиши лозим. Афсуски, бу борада маҳаллий корхоналар томонидан тузиладиган молиявий ҳисобот шаклари ва уларнинг мазмуни бўйича қатор муаммолар кузатилмоқда.

Халқаро амалиётда, молиявий ҳисоботлар “Бизнес журнали” сифатида чоп этилиши ва ундаги маълумотлар бизнес мулоқотнинг муҳим бир шартига айланганлигини эътироф этиш зарур.

Молиявий ҳисоботлар рангли безаклар, диаграммалар, расмлар орқали, аналитик жадваллар билан нашр қилиниши, жалб қилувчи манбалар доимо манбанинг биринчи қаторига қўйилиши, ахборот берувчи манбалар нашр охирида чоп этилиши бизнес журналларни ҳақиқий бизнес ойнасига айлантирган.

Шу мақсадда, биз томондан тавсия этилаётган таклифга асосан барча хўжалик юритувчи субъектларнинг, айниқса халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботларни қуйидаги бўлимлар орқали нашр қилиш тартибини жорий этиш лозим деб ўйлаймиз (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Молиявий ҳисоботларнинг “Бизнес журнали”ни нашр этиш бўлимлари¹

Муҳим фактлар	Ҳақиқий ва бўлғуси инвесторларга	Тарихий манбалар	Жорий ва истикболдаги кўрсаткичлар	Аудит хулосаси
Эришилган натижалар, муҳим иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар	Инвесторларни қизиқтирадиган муҳим манбалар, бошқарув самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар	Корхонанинг 10, 15, 20 йиллик маълумот-лар базаси (молиявий ҳисоботларнинг муҳим кўрсаткичлари)	Жорий ва ўтган даврлар бўйича Молиявий ҳисобот шакллари	Молиявий ҳолатнинг ҳаққоний акс эттирилганлиги, амалга оширилган хўжалик ва молиявий операцияларнинг амалдаги нормаларга мос келиши

Молиявий ҳисоботларни таркиби ва улар бўйича ягона бир хилликка келинган бўлишига қарамасдан мамлакатлар ўртасида уларнинг фарқли жиҳатларини ҳам кузатиш мумкин. Молиявий ҳисоботларнинг фарқли жиҳатлари бухгалтерия ҳисобининг муҳим принципларидан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисоби сиёсат, идеалогия каби чегара билмас жараён ҳисобланиб унинг асосий мақсади ахборотлар йиғишга қаратилган. Унинг муҳим фарқли жиҳатлари хўжалик юритишнинг турли шакллариининг мавжудлиги билан характерланади. Шунингдек, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий,

¹ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

географик омиллар ҳам мавжуд тизимнинг шакли ва мазмунига таъсир этади. Умумий жиҳатдан олиб қаралганда молиявий ҳисоботларни тузилишига ва мазмунига, асосий ахборот фойдаланувчилари бўлган инвесторлар, кредиторларнинг таркиби, уларнинг репутациялари, инвестиция жараёнларида иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг таркиби, инвесторларнинг бошқарув жараёнида иштирок этиш даражаси, молия бозори ва қимматли қағозлар бозорининг ривожланиш даражалари, халқаро бизнесда иштирок этиш даражалари таъсир этади.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг халқаро амалиётида қуйидаги ҳисобот шакллари тузилиши белгиланган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таркиби²

Бухгалтерия баланси (Молиявий ҳолат тўғрисидаги)	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (Фойда ва зарарлар тўғрисидаги)	Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот (Пул маблағлари харакати тўғрисидаги)	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (Хусусий капитал ўзгариши тўғрисидаги)
Активлар, капитал ва мажбуриятлар ҳақидаги, молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради	Фойда ва зарарлар (операцион, инвестицион, молиявий фаолият) тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради	Миллий ва халқаро валюта маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради	Ўз маблағлари ва уларнинг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотни акс эттиради

Бухгалтерия баланси. Ушбу ҳисобот шакли халқаро амалиётда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот деб номланади. Бухгалтерия баланси корхона молиявий ҳолати ва ундаги ўзгаришларни акс эттирувчи ягона ҳисобот шакли ҳисобланади. Унинг маълумотлари асосида корхонанинг молиявий барқарорлиги, ликвидлик даражаси, тўловга қобилиятлиги, иш активлиги, рентабеллиги каби кўрсаткичлар тизими орқали молиявий ҳолатнинг ретроспектив таҳлили амалга оширилади ҳамда жорий ва ўтган даврлардаги эришилган натижалари баҳоланади. Кўпроқ, горизонтал, вертикал, коэффициент, қиёсий таҳлил усуллари орқали муҳим хулосалар шакллантирилади. Энг муҳими бошқарувда муҳим ҳисобланган истиқболдаги, прогноз кўрсаткичларни аниқлашга имкон туғилади.

Бухгалтерия баланси бўйича асосий фарқли жиҳатларни, баланс моддаларининг таркибланишида ва уларнинг узвий кетма – кетилигида кўриш мумкин. Халқаро амалиётда бухгалтерия балансида активлар, ликвидлигининг тушиб ёки ортиб бориши тартибида таркибланади. Мамлакатлар бўйича уларнинг аниқ бир кетма – кетлигини кузатиш қийин (3-жадвалга қаранг).

² Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши³

Ўзбекистон АКТИВ	Россия АКТИВ	АҚШ АКТИВ	Буюк Британия АКТИВ
1.Узоқ муддатли активлар	1.Оборотдан ташқари активлар	1.Жорий активлар	1.Асосий капитал
Асосий воситалар	Номоддий активлар	Нақдлик	Номоддий активлар
Номоддий активлар	Асосий воситалар	Бозор қимматли қоғозлари	Илмий тадқиқот натижалари
Узоқ муддатли инвестициялар	Моддий бойликларга фойдали инвестициялар	Дебиторлик мажбуриятлари	Патентлар, лицензиялар
Ўрнатилган асбоб ускуналар	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	Айланма активлар	Гудвилл
Капитал қўйилмалар	Кечиктирилган солиқ активлари	Жами жорий активлар	2.Моддий активлар
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва кечиктирилган харажатлар	Бошқа оборотдан ташқари активлар	3.Мулк	Ер ва бинолар
		Ер	Машина ва жихозлар
		Бинолар	Арматура, қисмлар, инструментлар
2.Жорий активлар	2.Айланма активлар	Ускуналар	3.Инвестициялар
Товар моддий захиралар	Захиралар	4.Мулкнинг умумий суммаси	Уюшган компаниялар акциялар
Келгуси давр ва кечиктирилган харажатлар	Олиб келинган қийматликлар бўйича ҚҚС	5.Мулкнинг соф суммаси	Уюшган компаниялар ссудалари
Дебиторлар	Дебиторлик мажбуриятлари	Номоддий активлар	Компания билан боғлиқ акциялар
Пул маблағлари	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар		Компания билан боғлиқ ссудалар
Қисқа муддатли инвестициялар	Пул маблағлари		Бошқа инвестициялар
Бошқа жорий активлар	Бошқа айланма активлар		Бошқа ссудалар
			Хусусий акциялар
			4.Жорий активлар
			Захиралар
			Хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатлар
			Тугалланмаган ишлаб чиқариш
			Тайёр маҳсулотлар ва қайта сотишга товарлар
			Тўланиши лозим бўлган тўловлар
			Дебиторлар
			Инвестициялар
			Банкдаги нақ пул маблағлари
			Аванс тўловлари

³ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

ПАССИВ	ПАССИВ	КАПИТАЛ ВА МАЖБУРИЯТ	КАПИТАЛ ВА МАЖБУРИЯТ
1.Ўз маблағлари манбаси	3.Капитал ва захиралар	1.Жорий пассивлар	5.Кредиторлар: бир йил давомида тўланадиган мажбуриятлар
Устав капитали	Устав капитали	Кредиторлик мажбуриятлари	Тўловлар захираси
Қўшилган капитал	Қўшилган капитал	Молиявий ҳужжатлар бўйича мажбуриятлар	Келгуси давр даромадлари
Резерв капитали	Резерв капитали	Бошқа пассивлар	6.Капиал ва захиралар
Сотиб олинган хусусий акциялар	Тақсимланмаган фойда(қопланмаган зарар)	2.Узоқ муддатли пассивлар	Фойда ва зарарлар смети
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	4.Узоқ муддатли мажбуриятлар	Кечиктирилган солиқ тўловлари	
Мақсадли тушумлар	Қарз маблағлари	3. Акционерлар мулки	
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари захиралар	Бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар	Имтиёзли акциялар	
2.Мажбуриятлар	5.Қисқа муддатли мажбуриятлар	Оддий акциялар	
Узоқ муддатли мажбуриятлар	Қарз маблағлари	Қўшимча капитал	
Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар, ажратилган бўлинмалар, шўба ва қарам хўжаликлар, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	Кредиторлик мажбуриятлари	Тақсимланмаган фойда	
2.2.Жорий мажбуриятлар: мол етказиб берувчилар, пудратчилар, ажратилган бўлинмалар, шўба ва қарам хўжаликлар, солиқ ва мажбурий тўловлар ва бошқалар бўйича кечиктирилган харажатлар	Келгуси давр даромадлари	Хорижий валюта ҳисоб-китоблари	
Олинган бўнақлар, бюджетга тўловлар, суғурта, мақсадли жамғармалар, таъсисчиларга қарз, меҳнат ҳақ бўйича қарз	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари захираси	Кредиторлар	
Қисқа муддатли банк кредитлари	Бошқа қисқа муддатли мажбуриятлар		
Қисқа муддатли қарзлар	Кредиторлар: бир йил ичида тўланиши керак бўлган мажбуриятлар		

Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми	Келгуси тўловлар учун захира		
Бошқа кредиторлик қарзлари	Келгуси давр даромадлари ва жамғариши		
	Капитал ва захиралар		
	Фойда ва зарарлар счёти		

Юқоридаги манбадан кўриш мумкинки аналитик жиҳатдан миллий ва Россия амалиётида бухгалтерия баланси моддалари кенгрок таркибланган, Лекин бу жиҳат унинг мазмунига сезиларли таъсир этмаган. Аналитик жиҳатдан, молиявий ҳисоботларнинг таҳлилийлигини ошириш юзасидан амалдаги ҳисобот шакли хорижий ҳисоботлардан бир қатор усунликларга ҳам эга дейиш мумкин. Лекин бу усунлик келгусидаги иқтисодий нафлик, ёки даромад ишлаб топишга нисбатан ҳаракатни кучайтирмайди.

Бироқ, инвесторлар, кредиторларга нисбатан молиявий ҳисоботларнинг манфаатдорлиги, бизнесга йўналтирилганлиги жиҳатидан хорижий ҳисоботлар даражаси ижобий баҳоланади. Халқаро ва миллий амалиётда бухгалтерия баланси ва унинг тенглик алгоритмида бир қанча номунатосибликни кўриш мумкин. (4-жадвалга қаранг).

Халқаро амалиётда бухгалтерия баланси тенглиги қуйидаги тартибда шакллантирилади:

$$\text{Актив} = \text{Капитал} + \text{Мажбурият}$$

Миллий амалиётда бухгалтерия баланснинг активи узоқ муддатли активлар ҳамда жорий активларга (товар моддий захиралар, дебиторлик мажбуриятлар ҳамда пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига) таркибланиши белгиланган.

Пассивлар таркиби ўз маблағлари манбааси ҳамда мажбуриятлардан (узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар, қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар ҳамда кредиторлик мажбуриятларидан) иборат таркибга эга.

$$\text{Актив} = \text{УМА} (A1) + \text{ТМЗ} (A2) + \text{ДМ} (A3) + \text{ПМ} (A4)$$

$$\text{Капитал} = \text{ЎММ} (П1)$$

$$\text{Мажбурият} = \text{УМКҚ} (П2) + \text{ҚМКҚ} (П3) + \text{КМ} (П4)$$

4-жадвал

Бухгалтерия баланси ва унинг тенглик алгоритми⁴

Ўзбекистон Республикасида	Россия Федерациясида	Америка Қўшма Штатларида	Буюк Британияда
Бухгалтерия баланси	Бухгалтерия баланси	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот
$A = П$	$A = П$	$A = M + K$	$A - M = K$
$A(A1+A2+A3+A4) = П (П1+П2+П3+П4)$	$A(A1+A2+A3+A4) = П (П1+П2+П3+П4)$	$A((A1+A2+A3+A4) = M (П2+П3+П4) + K(П1)$	$A(A1+A2+A3+A4) - M (П2+П3+П4) = K (П1)$
Баланс ликвидлиги нисбий ифодаси	Баланс ликвидлиги нисбий ифодаси	Баланс ликвидлиги нисбий ифодаси	Баланс ликвидлиги нисбий ифодаси
$A4+A3+A2/ П4+П3+П2$	$A4+A3+A2/ П4+П3+П2$	$A4+A3+A2/ П4+П3+П2$	$A4+A3+A2/ П4+П3+П2$

⁴ Муаллиф таклифлари асосида шакллантирилган.

A4+A3 / П4+П3	A4+A3 / П4+П3	-	-
A4 / П4	A4 / П4	-	-
АКТИВ			
A1	A2	A3	A4
Ўзоқ муддатли активлар	Товар моддий захиралар	Дебиторлик мажбуриятлари	Пул маблағлари
Ёки			
A4	A3	A2	A1
Пул маблағлари	Дебиторлик мажбуриятлари	Товар моддий захиралар	Ўзоқ муддатли активлар
ПАССИВ (КАПИТАЛ ВА МАЖБУРИЯТ)			
П1	П2	П3	П4
Ўз маблағлари манбаси	Ўзоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар	Кредиторлик мажбуриятлари
Ёки			
П4	П3	П2	П1
Кредиторлик мажбуриятлари	Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар	Ўзоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	Ўз маблағлари манбаси

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот. Ушбу ҳисобот шакли халқаро амалиётда “фойда ва зарарлар” тўғрисидаги ҳисобот деб номланади. Унда корхонанинг ўтган ва ҳисобот даврдаги фойда ва зарарлари таркибий (операцион, молиявий, фавқулодда), муддатли (жорий ва ўтган даврлар бўйича), тақсимот йўналишлари бўйича (фойдадан солиқлар, бошқа солиқлар, соф фойда шаклида) акс эттирилади.

Соф фойдани аниқлаш тартиби ҳам баланс моддаларининг ликвидлигидаги каби тўғри ва тескари боғлиқликда аниқланади (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Молиявий натижалар ва уларнинг шаклланиш алгоритми⁵

Миллий амалиётдаги тартиб												
Асосий фаолият натижаси (АФН)	+	Молиявий фаолият натижаси (МФН)	+	Фавқулодда натижа (ФН)	=	Солиқ тўловига қадар натижа (СТҚН)	-	Фойдадан солиқлар (ФС)	-	Бошқа солиқлар (БС)	=	Соф фойда (СФ)
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича												
Соф фойда(СФ)	+	Фойдадан солиқ тўлови (ФС)	+	Фойдадан солиқнинг қайтарилган қисми (ФСҚҚ)	+	Фавқулодда фойда (зарар) (ФН)	+	Тўланган ва олинган фоизлар (ТОФ)	+	Моддий ва номоддий активлар бўйича амортизация (А)	+	Активларни қайта баҳолаш (АҚБ)

Халқаро амалиётда фойданинг аниқланишида маҳсулотлар ортиб жўнатилиши, товарларнинг сотилиши, хизматларнинг кўрсатилишида пул тушумлари даромадларни тан олинишига таъсир қилмайди. Яъни, даромад ва ҳаражатларни тан олишнинг амалдаги тартибида “ҳисобга олиш” қондасига амал этилади. Бу эса хали реаллиги таъминланмаган фойдадан солиқлар ва дивидентлар (рағбатлар) тўловини амалга оширишни англатади.

⁵ Муаллиф тақлифлари асосида шакллантирилган.

Ҳисобот даврида ҳисоб-китоб қилинган фойда бухгалтерия балансида тақсимланмаган фойда қаторида акс этади.

Миллий ҳисобчилик тизимида молиявий натаижаларни шаклланиш тартиби қуйидаги кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ўзара боғлиқлигини назарда тутати: Яъни, маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан ялпи молиявий натижа, асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси, умумхўжалик аолиятининг молиявий натижаси, солиқ тўловига қадар молиявий натижа, соф фойда.

Халқаро амалиётда молиявий натаижаларнинг учта таркиби: асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда ҳолатлардан натижа кўрсаткичлари таркибланади ҳамда улар мазуни бўйича миллий амалиётдаги таркибланишга тўла мос тушади.

Молиявий натаижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни қуйидаги жавдал асосида қиёслаш орқали кўриб ўтиш мумкин (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Молиявий натаижалар (фойда ва зарарлар) тўғрисидаги ҳисоботларнинг қиёсий фарқланиши⁶

Ўзбекистон Республикаси	Россия Федерацияси	Америка Қўшма Штатлари
Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни (нетто)тушум	Соф сотишдан хажми (сотишдан тушум)
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни таннархи	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни таннархи	Маҳсулот таннархи
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда (зарар)	Ялпи фойда ёки зарар
Давр харажатлари, жами жумладан:	Тижорат харажатлари	Операцион харажатлар (сотиш ва бошқарув харажатлари)
Сотиш харажатлари	Бошқарув харажатлари	Операцион фаолиятдан фойда (зарар)
Маъмурий харажатлар	Сотишдан фойда (зарар)	Бошқа фойда ва зарарлар
Бошқа операцион харажатлар	Олинган фоизлар	Кўзда тутилмаган фойда (зарар)лар
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган	Тўланган фоизлар	Солиқ тўловига қадар фойда (зарар)
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	Бошқа корхоналарда катнашишдан даромадлар	Фойдадан солиқ
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	Бошқа даромадлар	Соф фойда
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр. шу жумладан:	Бошқа харажатлар	
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	Солиқ тўловига қадар фойда (зарар)	
Фоизлар шаклидаги даромадлар	Жорий фойда солиғи	
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) дан даромадлар	Шу жумладан: доимий солиқ мажбуриятлари (активлари)	
Валюта курси фаркидан даромадлар	Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари (активлари)	
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	Бошқалар	

⁶ Муаллиф тақлифлари асосида шакллантирилган.

Молиявий фаолият буйича харажатлар шу жумладан:	Соф фойда	
Фоизлар шаклидаги харажатлар		
Молиявий ижара (молиявий лизинг) буйича фоизлар шаклидаги харажатлар		
Валюта курси фаркидан зарарлар		
Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар		
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)		
Фавқуллоддаги фойда ва зарарлар		
Даромад (фойда) солиғини тулагунга қадар фойда (зарар)		
Даромад (фойда) солиғи		
Фойдадан бошка солиқлар ва тўловлар		
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)		

Қиёсий таҳлил натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки миллий амалиётда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг аналитик имкониятлари хорижий амалиётдан бир қадар юқори. Муаммоли жиҳат унинг тузилишида эмас балки мазмунида ҳисобланади.

Халқаро амалиётда, бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг натижасини молиявий ҳисоботда акс эттириш буйича бир хилликни учратиш қийин. Масалан Америка Қўшма Штатларида жамғарилган фойда тўғрисидаги ҳисобот ҳам тузилади. Халқаро амалиётда молиявий ҳисоботларни тузишда чоп этиладиган ахборотларнинг фойдалилик даражасига муҳим аҳамият қаратилади. Бу эса унинг шакли юзасидан қатъий талаблардан ташқари, молиявий ҳисоботнинг алоҳида моддаларни кенгроқ очиб бериш имкониятини ҳам беради.

Халқаро амалиётда молиявий натижаларни таснифлашда уч хил ёндашув мажуд: а) активларнинг соф қийматининг ортиши сифатида; б) корхона фаолиятдан даромадлар ва харажатлар фарқи сифатида; с) хусусий капиталнинг жорий даврдаги ўзгариши сифатида ёндашув.

Бунда активларнинг соф қийматининг ортиши жами активларнинг мажбуриятлардан ортган қисми сифатида, фаолиятдан даромадлар ва харажатлар фарқи ушбу фаолият турининг фойда ва зарарларини, фойданинг жамғарилиши унинг капиталлашув даражасини ортишини ифода этади. Шу сабабли ҳам, молиявий натижаларни характерловчи кўрсаткичлар турли давлатларда турлича таркибланади. Шунингдек фойда ва зарарларнинг горизонтал ва вертикал қаторлари таркиби буйича ва даврийлиги буйича қисман фарқ қилади.

Хулоса ва таклифлар

Глобаллашув, ташқи бозорларга чиқиш, халқаро савдо ва тижоратни йўлга қўйиш, жаҳон фонд бозорида иштирок этишда молиявий ҳисоботларни ҳам барча учун бир хил шаклда ва мазмунда чоп этиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоботларнинг асосий шакли бўлган бухгалтерия баланси (молиявий ҳолат тўғрисидаги), молиявий натижалар тўғрисидаги (фойда ва зарарлар тўғрисидаги) ҳисобот шакллари шакли ва мазмунида бизнес самарадорлиги, молиявий ахвол ва унинг кутилишларини, фойда ва зарарларни, фойданинг сифатини таъминлаш (унинг нақдлилиги) юзасидан қўйидагиларни таклиф қиламиз:

- корхона активлари, капитали ва мажбуриятларини бухгалтерия балансида акс эттиришда тўлиқ молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга ўтиши орқали уларнинг бизнесга йўналтирилганлигини таъминлаш лозим;

- молиявий ҳисоботларда аналитик ахборотларнинг очиқлигини кенгайтириш, уларнинг таҳлилийлигини ошириш юзасидан кўрсаткичларни бир хилда номлаш ва методологик жиҳатдан бир хил кўрсаткичлар тизимида молиявий ҳолат ва молиявий натижаларни баҳолашга ўтиш лозим;

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни очиб беришда горизонтал ва вертикал қаторлар бўйича молиявий ҳисобот моддаларини кенгайтириш ва уларнинг аналитик кўрсаткичлар тизимини кенгайтириш лозим;

- бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклларида маълумотларни очиб беришда уларга иловалар, қайдлар ва шарҳлар беришни белгилашни бизнес субъектларининг репутациясини ўстиришнинг муҳим воситаси сифатида қараш лозим;

- молиявий ҳисоботлар қизиқувчиларининг кенг доираси учун ахборотлар базаси яратиш юзасидан интернет, электрон, рақамли манбаларнинг “мақонини” йўлга қўйиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 13 апрель. №404.
2. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари. Тўплам. – Тошкент, «NORMA», 2018.
3. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке. – М.: «АСКЕРИ-АССА», 2016.
4. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлари. Монография. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2009 й. -168-б.
5. Алексеева Г.И. Особенности первого применения Международных стандартов финансовой отчетности // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 39. С. 2–14.
6. Валинурова А.А., Гусева А.А. Оценка перспектив применения МСФО для малого и среднего бизнеса в России // Бухгалтерский учет в издательстве и полиграфии. 2014. № 1. С. 30–37.
7. Вахорина М.В. Особенности формирования учетной информации в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности / Все для бухгалтера. 2014. № 4 С. 20–26.

8. Вахорина М.В. Особенности формирования учетной информации в соответствии с Международными стандартами финансовой отчетности // Бухгалтер и закон. 2014. № 3. С. 25–31.
9. Вахрушина М.А. Парадигма бухгалтерского учета и отчетности в условиях глобальной экономики // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 25. С. 38-46.
10. Вахрушина М.А., Малиновская Н.В. Корпоративная отчетность: новые требования и направления развития // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 15. С. 2–9, 138.
11. Гетьман В.Г. О концептуальных основах и структуре международного стандарта по интегрированной отчетности // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 44. С. 2–15.
12. Гетьман В.Г. Резервы дальнейшего совершенствования бухгалтерского учета в управлении экономикой // Бухгалтерский учет в издательстве и полиграфии. 2014. № 4. С. 32–39.
13. Гетьман В.Г. Совершенствование нормативно-правовых основ бухгалтерского учета и финансовой отчетности // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 18. С. 54–58.
14. Карельская С.Н., Зуга Е.И. Достоверность и информационные границы финансовой отчетности // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 9. С. 32–44.
15. Курманова А.Х. Принципы формирования отчета о финансовых результатах в отечественной и зарубежной практике // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 11. С. 58–65.
16. Плотников В.С., Плотникова О.В. Анализ оценки справедливой стоимости в соответствии с проектом концепции международной интегрированной отчетности // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 9. С. 9–18.
17. Соколова Т.А., Бородин О.С. (Формирование консолидированной отчетности в формате МСФО // Бухгалтерский учет. 2014. № 7. С. 17–27.
18. Стоун Д, Хитчинг К. Бухгалтерский учет и финансовый анализ. Подготовительный курс. – 2004. – 304 с.
19. Маткаримов Д.М. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш. Диссертация автореферати. Т.: 2019. 56 б.